

“КЕЛИШИЛГАН”

**Ўзбекистон Республикаси ёшлар
сиёсати ва спорт вазири ўринбосари**
Ш.Махмудов
“ ” 2023 йил



“ТАСДИКЛАЙМАН”

**Маркази Осиё енгил атлетика
ассоциацияси президенти**
А.Абдувалиев
“ ” 2023 йил



**“Мустақиллик куни”га бағишланган “Янги нафас” халқаро оммавий
югуриш мусобақаси
НИЗОМИ**

Тошкент 2023

Мазкур байрам доирасида югуриш ҳаваскорлари, спортчилар, талабалар, ҳарбийлар ўртасида оммавий югуриш тадбири ўтказилиши режалаштирилган. Мазкур тадбирда барча югуриш ихлосмандлари бевосита фаол иштирок этишлари учун тегишли шарт ва шароитлар яратилиши зарур.

Ушбу югуриш тадбири нафақат ёшлар балки аҳолининг барча қатламлари учун ўтказилиши фуқароларимизнинг ўз соғлиқларига бўлган эътиборларини кучайтишига, шунингдек соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш ва маҳаллалар бўғинидан бошлаган ҳолда аҳолини бирдамлигини ошириш каби мақсадларни ўз ичига қамраб олади.

Мазкур Низом енгил атлетика спорт тури бўйича оммавий югуриш тадбирлари мақсади ва асосий вазифалари, спорт мусобақалари жараёнини ташкил этиш ва бошқариш, уларни ўтказишга раҳбарлик қилиш, уни молиялаштириш, шунингдек мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Мусобақа жаҳон атлетикаси томонидан ўрнатилган қоидаларга кўра ўтказилади ва ҳакамлар томонидан баҳоланади. Мусобақани ўтказиш учун ҳакамлар таркиби **Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси** томонидан тасдиқланади.

2. Мусобақада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, мазкур Низомга ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига амал қилинади.

2-боб. Мусобақанинг мақсад ва вазифалари.

3. Юртимизда аҳоли, айниқса, ёшлар, ҳарбийлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш учун зарур шарт-шароитлар ва инфратузилмани яратиш.

4. Мусобақанинг мақсади аҳолининг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш натижасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, енгил атлетика спорт турини аҳоли ўртасида оммалаштириш ва уни янада ривожлантириш, республикада енгил атлетика спорт тури бўйича спортчиларнинг маҳорати даражасини оширишдир.

5. Мусобақанинг асосий вазифаси ёшларни соғлом турмуш тарзига йўналтириш, маҳаллалардаги ёшлар ва нурунийларни оммавий тадбирларга жалб қилиш, ҳакамларнинг малакасини ошириш, ўтказиладиган мусобақалар давомида иштирокчиларни руҳлантириш ва байрам шукухини ёйишдан иборат.

3-боб. Мусобақани ўтказишга раҳбарлик.

6. Мусобақани ўтказишга умумий раҳбарликни Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда бевосита раҳбарлик қилиш Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси томонидан амалга оширилади.

7. Мусобақани ўтказишда ҳакамлар ҳайъати рўйхати бевосита федерация томонидан шакллантирилади. Ҳакамлар ҳайъати рўйхати Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси буйруғи билан тасдиқланади.

8. Мусобақани адолатли ва шаффоф ҳолда ўтказилиши ҳакамлар ҳайъати зиммасига юклатилади.

4-боб. Мусобақани ўтказиш жойи ва муддати.

9. Мусобақа 2023 йилнинг 3 сентябрь куни Республикамизнинг 16 та (Андижон, Наманган, Фарғона, Нурафшон, Гулистон, Жиззах, Самарқанд, Термиз, Навоий, Бухоро, Қоровулбозор, Қарши, Ғузор, Урганч, Нукус, Тошкент) шаҳарларида ўтказилади.

10. Мусобақаларга барча шаҳарларда бир вақтнинг ўзида соат 06:30 да старт берилади.

11. Мусобақа амалдаги Жаҳон енгил атлетикаси қоидалари асосида ўтказилади.

5-боб. Мусобақада иштирок этиш шартлари.

12. Мусобақада ёшлар, ҳарбийлар (600 нафар куч тузилмалари ва Олий ҳарбий билим юртлари талаба-курсантлари), маҳаллалардаги нуронийлар, уюшмаган ёшлар, ишчи ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ҳамда барча хохловчилар иштирок этишлари мумкин. Мусобақада 9 ёшдан катта бўлган фуқаролар иштирок этишларига рухсат этилади.

13. Мусобақада Қозғистон, Қирғизистон ва Тожикистон давлатларидан 300 нафар иштирокчи иштирок этади. Уларнинг йўл-кира, яшаш ва овқатланиш харажатлари Ташкилий қўмита томонидан қопланади. Ташкилий қўмита мазкур жамоаларнинг Тошкент шаҳрида 2023 йилнинг 1 сентябрь санасидан 4 сентябрь санасига қадар яшаш ва овқатланиш харажатларини қоплайди.

14. Хар бир куч тузилмалари жамоалари 30 нафаргача ва Олий ҳарбий билим юртлари жамоалари 30 нафаргача иштирокчи билан иштирок этишлари мумкин. Бунда жамоа биринчилиги фақат ЗКМ масофада янги яхши 15 натижага қўра аниқланади.

6-боб. Мусобақани ўтказиш шартлари.

14. Мусобақани ўтказиш шартлари спорт турининг хусусияти, халқаро норма ва талаблардан келиб чиқиб белгиланади. Тошкент шаҳрида мусобақа ғолиб ва совриндорлари **MyLaps** электрон вақтни аниқлаш тизими орқали аниқланади. Мазкур мусобақаларнинг яккалик баҳслари ғолиб ва совриндорларини аниқлашда **GunTime** вақти, жамоавий ғолибларни аниқлашда **ChipTime** вақтидан фойдаланилади.

15. Мусобақа ташкилотчилари томонидан мазкур тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. **Мусобақаларда** барча ҳоҳловчилар иштирок этиши мумкин, масофалари **10КМ** ва **3КМ**.

16. Тошкент шаҳарида **3КМ** (4000 нафар), **10КМ** (1500 нафар) масофаларда, **Нукус, Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Наманган, Андижон, Нурафшон, Гулистон, Жиззах, Термиз, Навоий, Қоровулбозор, Қарши, Ғузор, Урганч** шаҳарларида **3КМ** (2000 нафар) масофаларда ўтказилади.

17. Мусобақада иштирок этиш учун қатнашчилар сони Тошкент шаҳрида 5500 нафар (**3КМ** 4000 нафар, **10КМ** 1500 нафар)ни ташкил қилади. Қолган шаҳарларда иштирокчилар сони 2000 нафарни ташкил қилади. Иштирокчилар сони маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрига кўра кўпроқ бўлиши мумкин.

18. Мусобақа низомининг тегишли бандларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган тақдирда, мусобақанинг бошланишидан 3 кун аввал мусобақа иштирокчиларига тақдим этилади.

7-боб. Мусобақада иштирок этиш учун талабнома (буюртма)ларни топшириш ва рўйхатдан ўтиш шартлари.

19. Мусобақада Тошкент шаҳрида иштирок этиш учун, иштирокчилар **Iticket.uz** сайти орқали рўйхатдан ўтишлари лозим. **10КМ** масофада 1500 нафар, **3КМ** масофада 4000 нафар (600 нафари куч тузилмалари ва билим юртларидан, қолган 3400 нафари **iticket** орқали рўйхатдан ўтганлар) иштирокчи қатнашиши мумкин. Бунда 300та квота (бепул) қўшни давлатлар (**Қозғистон, Қирғистон** ва **Тожикистон**) вакилларига берилади.

Тўлов бадаллари: **3КМ**га рўйхатдан ўтиш учун 99 000 сўм;

10КМга рўйхатдан ўтиш учун 149 000 сўм миқдорида бадал пули тўлашлари лозим.

Рўйхатдан ўтиш жорий йилнинг **1 – август** санасидан **31 – август** санасига қадар **Iticket.uz** сайти орқали рўйхатдан ўтилади.

Иштирокчи пакети куйидагилардан иборат бўлади:

Футболка

Кепка

Кўкрак рақами

Тўғноғич

Иштирокчи пакетини олиш **1-2 - сентябрь** кунлари Ўзбекистон енгил атлетика федерацияси базасида амалга оширилади.

20. Мусобақада иштирок этиш учун спортчилардан жаҳон енгил атлетикаси қоидалари асосида енгил атлетика спорт турининг хусусиятларидан келиб чиқиб тиббиёт муассасасининг врачлари томонидан спортчининг мусобақада иштирок этишига рухсат берилиши (имзо ва муҳри билан тасдиқланган ҳолда) талаб этилади.

21. Мусобақада иштирок этиш учун талабнома спорт турининг хусусиятидан келиб чиқиб, мусобақа бошланишидан 1 кун аввал вилоят ёшлар сиёсати ва спорт бош бошқармаларига топширилади.

8-боб. Мусобақани молиялаштириш манбалари.

22. Мусобақа ўтказилишининг молиялаштириш шартлари:

- тадбирни ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ харажатлар (ҳакамларнинг харажатлари, ҳар бир иштирокчига иштирокчи пакети (футболка, кепка, халтача ва бошқалар), ғолиб ва совриндорларни тақдирлаш учун қимматбаҳо совғалар ва бошқалар) **Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, Ёшлар агентлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ** ва бошқа ҳомийлар томонидан қопланади.

- ташкилотчилар, ҳакамлар, кўнгилчилар, VIP меҳмонлар учун махсус формалар **Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Олий таълим, фан ва инновация вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, Ёшлар агентлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ** ва бошқа ҳомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан қопланади.

9-боб. Ўтирозлар.

23. Ўтирозлар амалдаги мусобақа қоидалари асосида ҳакамлар хайъати томонидан қабул қилинади.

24. Ҳакамлар хайъати мусобақа давомида ва тадбир тугагунга қадар ишлайди.

10-боб. Мусобақа ғолиб ва совриндорларини тақдирлаш.

25. Тошкент шаҳрида ташкил этилган мусобақанинг ғолиб ва совриндорлари **Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар агентлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавкулудда вазиятлар вазирлиги, “Ўзбекнефтгаз” АЖ** ва

хомийлар томонидан ажратилган маблағлар ҳисобидан совғалар ва кубоклар, яккалик баҳслари ғолиб ва совриндорлари 1 - ўрин 1 500 000 сўм, 2 - ўрин 1 000 000 сўм, 3 - ўрин 500 000 сўм пул мукофотлари, жамоавий баҳслар ғолиб ва совриндорлари (жамоа учун) 1 - ўрин 15 000 000 сўм, 2 - ўрин 9 000 000 сўм, 3 - ўрин 6 000 000 сўм ва кубоклар билан тақдирланадилар.

26. Тошкент шаҳрида **10КМ** масофада аёллар ва эркаклар ўртасида мутлақ биринчилик 1, 2, 3-ўринлар, ҳаваскор аёллар ва эркаклар ўртасида 1,2,3-ўринлар, “Энг ёш” ва “Энг ёши улуг” аёл ва эркак иштирокчилар ўртасида номинациялардан иборат.

27. Тошкент шаҳрида **3КМ** масофада аёллар ва эркаклар ўртасида мутлақ биринчилик 1, 2, 3-ўринлар, ҳаваскор аёллар ва эркаклар ўртасида 1,2,3-ўринлар, Ҳарбий хизматчилар 35 ёшгача бўлган аёллар ва эркаклар ўртасида 1,2,3-ўринлар ва 35 ёшдан катта бўлган ҳарбий хизматчилар аёллар ва эркаклар ўртасида 1,2,3-ўринлар, Вазирлик ва идоралар ўртасида жамоавий биринчиликдан иборат.

28. Мазкур низомнинг 12-бандида кўрсатилган шартларга жавоб бермайдиган спортчилар совриндор сифатида тақдирланмайдилар.

11-боб. Якуний қоидалар.

29. Мусобақалар давомида хомийлар томонидан тақдим этилган совринлар номинациялар ҳамда салмоқли ҳисса қўшган ташкилий қўмита аъзоларига тақдим этилиши мумкин.

30. Тадбирда иштирок этувчилар сони оз бўлган тақдирда иштирокчилар учун берилиши белгиланган иштирокчи пакети (кепка, футболка ва бошқалар) келаси тадбирлар учун сақланиб қўйилиши, бошқа тадбирларда белгиланган иштирокчилар сони ортган тақдирда захирадагилари (олдинги тадбирдан ортган) бериб борилади.

**Ўзбекистон енгил атлетика
Федерацияси бош котиби**

К.Рузамухамедов

**Ўзбекистон енгил атлетика
федерацияси хакамлар ҳайъати раиси**

Х.Ортиқов